УССР Давлат китоб палатаси
20 0395

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Узбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 28 март, сешанба №38 (21.801.) Сотувда эркин нархда.

ЭЛ ИШОНЧИ — ОЛИЙ МУКОФОТ

Умумхалқ референдумининг дастлабки якунлариёқ халқимизнинг буюк келажак сари Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар истиқболига қатъий ишончни яна бир карра намойиш этди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларидан бир гуруҳи 27 март куни Президент Ислом Каримов билан учрашиб, давлатимиз раҳбарининг ўтказилган бу муҳим сиёсий тадбирнинг дастлабки натижалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

— Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади,- деди Президент Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Бундай дақиқаларда инсон ўтган умрига, қилган ишларига яна бир карра назар солади. Умрини қандай кечираётганига, эзгу ишлари қай даражада амалга ошганига баҳо беради. Куни кеча ўтган референдум мени инсон сифатида шундай ҳаяжонга солди. Кечган умримга, қилинган ишларга яна бир карра назар солишимга имкон яратди.

Ҳар бир йигит-қиз дунёга келгани, камолотга етгани учун ўз ота-онасидан миннатдор бўлиши табиий. Мен ҳам мустақил давлат — Ўзбекистон раҳбари сифатида шу қадар олижаноб халқ фарзанди эканимдан чексиз ифтихор туйдим. Шу муқаддас заминда туғилганим, шу халқ ақл-заковатидан куч олганим учун Яратганга шукроналар, элимга раҳматлар айтаман.

Аллоҳдан тилагим — шу азиз халқимнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, унинг буюк ишончини оқлаш йўлида менга мадад берсин. Барчамизни шу тилакларни амалга ошириш борасидаги ишларимизда яратганнинг ўзи қўлласин.

Референдум чоғида билдирилган ишонч нафақат давлат раҳбарига, балки халқимизнинг кечирилган мураккаб кунлар ниҳоясида ёруғ келажакка, ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижаларига ишончи ҳам демакдир. Қўйилган мустаҳкам пойдеворда мустақил Ўзбекистон аталмиш муҳташам бинони яратишимизга, унда инсонларнинг бахтиёр турмуш кечиришини таъминлашимизга ишончим комил.

Бундан буён ҳам жамиятимизнинг эҳтиёжманд қатламлари — болалар, талабалар, нафақахўрлар, ногиронлар давлат ҳимоясида бўлади. Биз шу сиёсатни давом эттирибгина қолмай, эҳтиёжманд оилаларнинг давлатдан оладиган нафақалари ҳажмини оширишни ҳам кўриб чиқмоқдамиз. Қилган ишларимиз ҳозир шунга имкониятлар яратмоқда.

Бор умримни халқим хизматига сарфлашга, она-Ватанимиз равнақи йўлида бутун қучғайратимни бахшида этишга тайёрман. Сўзим сўнгида мени қўллаб овоз берган барча юртдошларимизга миннатдорлик билдираман.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида»ги 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ, шу йил 26 мартда умумхалқ референдуми бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи қўйилди.

Референдумда овоз беришда 11244724 нафар одам, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг аксарият кўпчилиги қатнашди. Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб чиқди.

Референдумнинг узил-кесил якунлари яқин кунлар ичида чиқарилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

ХАЛҚ ЭЪТИРОФИ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Эрта тонгданоқ овоз бериш участкалари одамлар билан гавжум бўлди. Референдумнинг барча қишлоғу кентларда, овулларда байрамона руҳда ўтганидан барчамиз хабардормиз — ўзимиз гувоҳ бўлдик. Унинг дастлабки натижаларига кўра, умумхалқ суровида иштирок этган қарийб 11,5 миллион фуқаронинг аксарияти Президент ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берган.

Ана шу муҳим сиёсий тадбирнинг ўзига хос жиҳати нимада? У нимаси билан аҳамиятга молик?

Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида умумхалқ референдуми ўтказишни талаб этаётган шарт-шароит атрофлича изоҳлаб берилди. Яъни, республика Президенти бошчилигидаги ижро ҳокимияти — ҳукумат билан қонун чиқарувчи олий орган — парламент фаолияти муддатларини мутаносиб ҳолга келтириш учун ана шундай қарорга келинди. Бу, бизнингча, масаланинг бир томони. Унинг яна кўплаб жиҳатлари борки, бу ҳақда бироз тўхталиш жоиз кўринади.

Биз ҳуқуқий, демократик давлат барпо этяпмиз. Эркин жамият қуряпмиз. Шу боис ҳам бутун дунё жамоатчилигининг кўзи бизда — ҳар бир қадамимизни баҳолаб турадиг. Қолаверса, эркин жамият фуқаролари оқу қорани ажрата оладиган, ўз ҳуқуқини танийдиган, қисқача айтганда, сиёсий жиҳатдан саводли бўлмоғи тақозо этилади. Шу маънода, республика референдумига тайёргарлик жараёни, унинг юксак уюшқоқлик билан ўтгани, ҳамюртларимизнинг овоз бериш участкаларига барвақт келиб, ўз фуқаролик ҳуқуқини амалга оширгани, бу — халқимизнинг сиёсий онги юқори кўтарилганидан, ижтимоий фаоллиги ортганидан далолат беради. Бундай деяётганимизнинг сабаби шуки, ҳаммамиз ҳам турли-туман «сайлов» ва «референдум»ларни кўп кўргамиз. Буни изоҳлаб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Умумхалқ суровининг яна бир аҳамиятига келсак, у жамиятимизда ўтказилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар борасидаги кўплаб саволларга жавоб берди. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов машваратларда, фаоллар ва меҳнаткашлар билан мулоқотларда: ишлаб чиқариш, пахта ва ғалла етиштириш, бу — буладиган ишлар. Лекин одамлар, халқ жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни ҳис этяптими? Улар мана шу ислоҳотлар нима учун қилиняпти, унинг моҳияти нимада, шуни тушуниб етяптими? – деган саволни кўп такрорлайди. Ўйлайманки, референдум мазкур масалаларга ҳам муайян аниқлик киритди. Унга ҳозирлик кўриш жараёнида турли ёшдаги, ҳар хил касб эгалари бўлган ҳамюртларимиз изҳор этган фикрлар буни яққол кўрсатди. Айниқса, референдумнинг дастлабки натижаларидек халқимиз Узбекистон танлаган ўзига хос ва мос тараққиёт йўлига содиқ эканини, бу йўл охир-оқибатда ёруг манзил — фаровон ва тўкинсочин ҳаётга элтишига ишончи мустаҳкамлигини намойиш этди.

Муҳими эса, раҳбар учун ўз халқи ишончини ҳис этишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Зеро, халқ ўз йўлбошчисига қанча суянса, юртбоши ҳам қалбини англайдиган, меҳнаткаш, фидойи халқига шунча таянади. Шу маънода, Президент Ислом Каримов референдум боис ўзини яна бир карра халқ назаридан ўтказди. Халқ эса референдумда ўртага қўйилган саволга ижобий жавоб бериш билан жонажон Узбекистонимизнинг янада иқтисодий бақувват, гўзал бўлиши, жаҳондаги энг мутараққий давлатлар қаторидан ўрин олиши учун хотиржам, самарали меҳнат қилиш йўлини танлади. Зотан, рўйи заминнинг айрим жойларида юз бераётган талотўпларни назарда тутсак, осойишта яшаш ва меҳнат қилиш ҳам катта бахт эмасми? Фақат юртимизни, истиқлолимизни, тинчлигимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Аҳмад ХЎЖА.
(ЎзА).

Галабанинг 50 йиллигига

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

1941—1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг шонли 50 йиллиги куни тобора яқинлашмоқда.

Ушбу тарихий санани муносиб нишонлаш мақсадида Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси, Узбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарияти **қўшма қарор** қабул қилдилар.

Бутун тинчликсевар инсоният, дейилади мазкур ҳужжатда, фашизм устидан қозонилган оламшумул тарихий Ғалабанинг 50 йиллигини кенг нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Унинг қўлга киритилишига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшди. Минглаб узбекистонликлар уруш жангтоҳларида бошқа халқлар вакиллари билан елкама-елка туриб, душманни тор-мор этиш, у босиб олган ерларни, руслар, белоруслар, украинлар, молдованлар, Болтиқбўйи ва Европа халқларини озод қилиш учун жонбозлик кўрсатдилар. Фронтга кетган эркаклар урнини эгаллаган аёллар, ўсмирлар, ногиронлар армияни қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-кечак, озиқ-овқат билан муттасил таъминлаб турдилар. Бағри кенг халқимиз уруш чангалида қолган ўлкаларни ташлаб кетишга мажбур бўлган минглаб оилаларни қабул қилиб олди. 200 минг нафардан зиёд етим-есирни бағрига босиб, ўз фарзандидай ардоқлаб тарбиялади, юртидан сургун этилган қрим татарлари, месхети турклар, балқарлар, чеченлар, ингушларга бошпана берди, улар билан борини баҳам кўрди.

Тарихий 9 май кунини байрам қилиш, уруш қатнашчилари ва ғалабани яқинлаштириш учун фронт ортида мардонавор меҳнат қилган марҳумларнинг хотирасини эслаш, уруш фахрийларининг ҳурматини жойига қўйиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида самарали меҳнат қилган собиқ жангчилар — бугунги фахрийларимиз — Узбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни тараққий этган давлатлар қаторига тезроқ олиб чиқиш ва халқаро нуфузини оширишда, Миллий Қуролли Кучларимизнинг жанговарлигини таъминлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек долзарб ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар, деб таъкидланади қарорда.

Мамлакатимизда уруш қатнашчиларига эътибор катта. Республика Президенти ва ҳукуматининг қатор фармон ва қарорлари билан уларга турли имтиёзлар берилди, нафақалари оширилди, турмуш шароитлари яхшиланмоқда. Хусусан, Узбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги ҳамда «1941-1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларнинг ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни Ғалаба куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонлари асосида «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари билан тақдирланганликлари булажак байрам тадбирларига кўтаринки руҳ, тароват ва файз бағишлади.

Юқорида баён этилганлар асосида Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқуми, Узбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарияти Ғалаба кунининг 50 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ўтказиладиган юбилей тадбирларини ташкил қилишда фаол иштирок этишни ўз ташкилотлари, уларнинг барча бўлинмаларининг муҳим вазифаси, юксак ватанпарварлик бурчи, деб ҳисоблайдилар.

Улар Ғалабанинг оламшумул тарихий моҳияти, Ватанимиз халқлари ва узбекистонлик жангчиларнинг унга қўшган ҳиссасининг аҳамиятини халқимизга, айниқса, ёшларга тушунтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни ҳамкорликда ўтказишни мўлжалламоқдалар.

— Ғалаба, халқимизнинг унга қўшган ҳиссаси, узбекистонликларнинг иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларидаги қаҳрамонликлари ва фронт ортидаги жасорати, Ватанимиз мудофасини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталикни таъмин этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва бошқа долзарб мавзуларда оммавий-сиёсий тадбирлар (маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар, кечалар, матбуот, телевидение ва радиода чиқишлар ва ҳоказолар)ни маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва ташкилотларда ўтказиш;

— шу йил апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга уруш фахрийлари, Узбекистон ХДП ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳларини юбориш;

— май ойининг бошларида Узбекистон ХДП Марказий Кенгашида Ғалаба кунига бағишланган байрам қабулини уюштириш ва ҳоказолар.

Узбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашларига Ғалаба байрами муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар режаларида уруш қатнашчилари билан байрам учрашувлари, ногиронлардан ҳамда шаҳид бўлганларнинг оилаларидан хабар олиш, уруш қаҳрамонларининг ёдгорликлари ҳамда қабрларини таъмирлаш ва зиёрат қилиш, ободонлаштириш ҳашарлари, халқ сайлларини фахрийлар ташкилотлари ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмалари билан ҳамкорликда ташкил этиш тавсия этилди.

Энг муҳими, ушбу тадбирлар иккинчи жаҳон уруши қурбонларини эслаш, қаҳрамонларни эъзозлаш, фахрийларга чуқур ҳурмат билдириш, алоҳида эътибор бериш билан бир қаторда ёшларимизда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга, халқимизни Узбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлида бирлаштиришга, фуқароларимизнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирокини таъмин этишга хизмат қилсин, дейилади қарорда.

Партиямиз матбуот нашрларига Ғалаба байрами тадбирларини кенг ёритиш, уруш иштирокчиларининг мунтазам чиқишларини ташкил қилиш топширилди.

Узбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаси паркидан оқилона фойдаланиш, уни ишлатиш харажатларини қисқартириш ҳамда қишлоқ хўжалигидаги механизациялашган ишларни бажаришнинг шартномавий шакллари тизимига ўтиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 1995-1999 йиллар мобайнида «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг туман бўлинмалари негизида ерларни тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга доир механизациялашган ишларни хўжаликлар билан шартномалар бўйича бажарувчи машина-трактор паркларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига хўжаликлардан кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан машина ва механизмларни ижарага олиш юзасидан улар билан шартномалар тузишга рухсат этилсин.

2. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси Узбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Машина-трактор паркларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тўғрисида вақтинчалик низом;

бажарилган механизация ишлари учун хўжаликларнинг ҳисоб-китоб қилишлари тартиби.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги белгиланган тартибда ҳар йили, машина-трактор парклари ташкил этилишига қараб, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига шартномаларда назарда тутилган ҳажмларда дала ишларини бажариш учун ёнилғи-мойлаш материалларига лимитлар берсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига 1995 йил якунлари бўйича машина-трактор паркларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари натижаларини умумлаштирсинлар ва уларни такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Журабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 март.

Маънавият булоқлари

САЛОМНИНГ САЛМОҒИ

Дунёда ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси булади. Таниш-нотаниш одамлар билан учрашганингизда муомалага киришиб кетиш учун аввало саломлашасиз. Салом... Бу сўзнинг Ер юзида ифодалари турлича: саҳроўвайлар, хелло, гамаржуба ва ҳоказо. Лекин биз — Шарқ мамлакатлари аҳолиси айтадиган «Ассалому алайкум» сўзи, агар янглишмасам, неча ўнлаб ўлкаларда бирдай янграйди. Мабодо Саудия Арабистонидами еки Мисрда, Эрондами еки Афғонистонда — хуллас, Шарқнинг қай бурчагига борманг, тилмочсиз қийналишингиз мумкин, аммо «Ассалому алайкум» деган сеҳрли сўзни айтсангиз ҳеч қандай изоҳсиз тушунишади.

Президентимиз мамлакат парламентининг биринчи сессиясида ана шу каломнинг пурҳикмат маъносини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Қуръони каримда 40 марта учраб экан. Болалигимиздан ҳассос шоир Мақсуд Шайхзоданинг:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг, — деган сатрлари қалбимизда мухрланиб қолган.

Асрлардан-асрларга ўтиб келаётган халқ эртакларининг жасур қаҳрамонлари огзидан ўт пуркаб турган девлар, алвастию одамхўрлар ҳузурига салом бериб борсалар, «Ассаломинг бўлмаганда — икки ямлаб, бир ютардим» деган сўзни эшитишармиш. Қаранг, вужудидан ажал ёғилиб турган маҳлуқотлар ҳам биргина салом олдида чекиниб турришса.

«Салом» сўзи ана шундай самимийлик ифодасига айланган. Узбекистон давлати ҳам 1991 йилнинг 1 сентябри тонгида «Ассалом, дунё» деган каломни айтди. Не бахтки, бу саломга жаҳоннинг турли қитъаларидан, турли ўлкаларидан «Ваалайкум ассалом» деган алик янграб турибди. Узбекистон қалбида эзгу ниятларни жо қилган мамлакатларга салом қўлини чўзмоқда. Йўқ-йўқ бу қўл, баъзи қалтабинлар ўйлаганидек, хайр-эҳсон сураш учун эмас, балки тенгма-тенг ҳамкорлик учун, дўстлик ва биродарлик учун узатилган қўлдир. Шу ниятнинг барҳақлиги туфайли бугунги кунда Узбекистонни жаҳоннинг 125 мамлакати тан олди, 84 мамлакати билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Яқинда мамлакат Фанлар академиясида академик Галина Пугаченкованинг 85 йиллик юбилейида Франция давлатининг Узбекистондаги элчиси Жан Пол Везиан сўз олди. Муҳтарам элчи ҳозирча узбек тилини ўрганолмаганини узрли оҳангда айтиб, сўзини «Ассалому алайкум» деб бошлади. Франция элчисининг шу биргина сўзни ирод этиши бутун залдагиларни тўлқинлантириб юборди...

Дўстларимиздан бири Москва сафарида эканлигида «Россия» меҳмонхонасида турган ҳона телефон рақамларини берганди. Бир-икки марта гаплашдик. Орадан бир неча кун ўтгач қўнғироқ қилсам, ҳалиги дўстимизнинг сафари қарибди. Мен телефонда яна уша оғайним деб ўйлаб: «Ассалому алайкум» дедим. «Алейкум салям!» деб жавоб қилди мутлақо бегона киши. Маълум бўлишича, дўстимнинг ўрнига жойлашган бу одам Болтиқбўйидан экан. У менинг узбекча гап бошлаганимни эшитиб, «Кечирасиз, бошқа жойга тушиб қолдингиз» дейиши мумкин эди. Лекин саломимга муносиб жавоб берганди, очиғи, дилимни яйратиб юборди. Баъзида ўз юртимизда туриб телефон бошқа жойга уланиб қолса, «Ассалому алайкум» сўзингизга «Вы не туда попали» деган сўзни эшитсангиз ва телефон гўшаги қўполларча тақ этиб қўйилса, хафа бўлиб кетасиз. Ахир лоақал саломга алик беришса бўлмайдими?!

Ҳали жуда ёш пайтимда отам шундай насиҳат қилганлиги: «Одам бир жойга кириб борганда «Ассалому алайкум» дейиши керак». Бу гапни дилимга тугиб қўйдим. Бир куни уйимизга меҳмон келди. У катталар билан саломлашиб менга унча эътибор бермади. Отам менга танбеҳ бердилар: «Нега сен меҳмонга салом бермаяпсан?». Мен эса: «Ахир ўзингиз айтувдингиз-ку, одам бир жойга кириб борганда салом бериши керак, деб. Мен уйдан ташқарига чиққаним йўқ» дебман. Ҳалиги насиҳатни сўзма-сўз тушунганимни фаҳмлаган отам: «Саломни аввал кичиклар бериши керак» дедилар. Бу гапда маъно катталигини кейин англадим.

Салом барча эзгу ишларга, хайрли юмушларга сарчашма бўлиши керак. Муомалада шарқона одоб, нозик дид ва фаросат каби фазилатларнинг бошида саломлашиш туриши керак.

Мустақиллик уфқида, залворли одимлар қўйишга чоғланаётган Узбекистонимиз ҳам эркин, очиқ, демократик тузум сари, бозор иқтисоди оламига, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари даврасига астойдил салом бермоқда. Иншоолло, бу салом хайрли ва барокатли мевалар бергусидир!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати.

ДЎСТЛИК ҚУЁШИ ЧАРАҚЛАМОҚДА

Korea Republic
Uzbek President's visit to Korea
The Korea Herald
Korean-Uzbek summit to beef up bilateral ties
Kim-Karimov agenda include planned establishment of joint research center
Map of Uzbekistan

Корея Республикасида нашр этиладиган «Корея янгиликлари» рангли газетасининг шу йил 16 февралдаги сони Узбекистон ва Корея давлатлари ўртасида ривожланиб бораётган манфаатли ҳамкорлик алоқаларини акс эттиришга ҳамда Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Корея давлатига қилган расмий сафарига бағишланган.

Газетанинг биринчи саҳифасида «Корея-Узбек икки томонлама алоқаларининг чўққиси» деган йирик сарлавҳа остида ранг-баранг мақолаларни ўқиш мумкин. Ушбу саҳифада «Ким-Каримов ҳамкорлик илмий-тадқиқот марказини яратишни қўн тартибига киритмоқда» деган сарлавҳада мақола босилган. Шу жойнинг ўзида икки дўст мамлакат раҳбарлари Ислом Каримов ва Ким Ен Сам суратлари, Узбекистон ва Жанубий Корея Республикалари ҳариталари берилган. Биринчи саҳифа қўйирогида эса «ДЭУ маҳсулотларини узбек қўллари яратмоқда» сарлавҳаси остида узбек ишчи ДЭУ аппаратларини йиғаётганлиги тасвирланган сурат берилган.

Газетанинг иккинчи ва учинчи саҳифалари ҳам ранг-баранг материаллар билан ўқувчилар диққатини тортади.

«Узбекистон бой табиий ресурслари билан фахрланади», «ДЭУ Узбекистонда ҳамкорлик корхонасини кенгайтирмоқда», «Миллий авиакомпания иқтисодий, маданий алоқаларга қўмаклашаётир» сарлавҳали мақолаларда Узбекистоннинг ички имкониятлари ва икки томонлама алоқалар ривожи ҳақида сўз юритилади. Бу саҳифаларда рангли суратларга ҳам кенг ўрин берилган.

Учинчи саҳифада Регистон меъморчилик ансамбли ва Узбекистон ҳамда Корея Республикалари дўстлик ва биродарлик ришталарини рамзий белгиси бўлган икки қўл чамбарчаслиги акс эттирилган сурат чоп этилган.

Корея Республикаси ҳукумати «Янги иқтисодиёт» дастурини амалга оширишга қаратилган ўзининг фаолиятида жаҳонда тез ўзгариб бораётган иқтисодий вазиятни ҳисобга олмоқда ва чинакам шериклар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор бермоқда. Бунга Узбекистон билан ўрнатилган манфаатли ҳамкорлик ёрқин далилдир. Айни пайтда Узбекистон ҳам шу йўлдан дадил бормоқда. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг Швейцарияда «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилот IV сессиясида айтган қуйидаги сўзларини келтириш жоиздир: «Биз Узбекистон билан узоқ муддатли алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар учун жуда қулай шароит яратиб беришга шай бўлиб турибмиз, чунки иқтисодий ҳамкорлик-давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаравонлигининг асосий омили эканига ишончимиз комил».

Бу фикрлар дўстлигимиз қуёши чарақлаб чиққанлигидан далолатдир.

Борис ПАК,
ёзувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Мулоҳаза

МИЛЛАТ ОБРЎСИ -- ОНА ДИЁР ОБРЎСИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз шундай деганди: **«Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу.**

Аммо бу йўлни эсон-омон босиб ўтишимиз керак. Ана шу ўтиш даври катта қийинчиликлар туғдираётгани табиий. Бир нарсани тан олишимиз даркор. Агарки, мафкура, маърифат, одамларимизнинг дунёқараши, тафаккури юксалишининг аҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу йўлда ўзини аямаётган тадбиркор, ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит туғдириб бериш бизнинг вазифамиздир».

Маънавият, мафкура соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган профессор-ўқитувчиларимиз бу борада, айниқса, фаол бўлишлари керак. Чунки сиёсий ва иқтисодий қарамлик даврини кечирган, коммунистик ғоялар тазйиқи оқибатида маънавият олами маълум даражада инқирозга юз тутган халқимиз онгини поклаш, уни миллий, илғор истиқлол ғоялари билан суғориш — шу куннинг, ҳозирги даврнинг энг муҳим ва энг зарур ҳаётий масалаларидан биридир. Шу маънода иқтисодчи кадрлар ўчоғи бўлмиш бизнинг университетимизда бу соҳага алоҳида аҳамият бериляпти.

Мустақил Ўзбекистон маънавий соҳада ҳам, худди сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда бўлганидек, ўз мустақил йўлидан бормоғи лозим. Бунинг учун бизда қадимий ва мустаҳкам асос, кўҳна маънавий пойдевор мавжуд. Биз учун ҳозир ватанпарварлик мафкураси сув билан ҳаводек зарур.

«Ватанни севмоқ иймондандўр» деган шиор, ана шу юксак миллий ғоя халқимизнинг бугунги дунёқараши, тушунчаси ва маънавий фалсафасини тўла ифода этиб турибди. Зеро, маънавий ҳаётимизда, миллий онгимизни, сиёсий савиямизни ошириш, миллий мафкура ва тафаккурни такомиллаштириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Энг муҳими, ҳозир одамларнинг онгида, дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларни катта ютуғимиз, деб ҳисоблашимиз лозим.

Ўзбек миллатининг ғурури, миллий ифтихори ижтимоий, маънавий, маърифий, моддий ҳаётнинг жаҳон талаблари даражасида билим олиш ва малака оширишида, фан-техникага, бозор иқтисодиёти тадбиркорлиги, маданиятига бўлган иштиёқ ва интилишида, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тан олинишида ва халқаро нуфузининг ошиб боришида, тинчлик, барқарорлик, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб, собитқадамлик билан олға бораётганида тўла мужассамдир. Миллий ғурурсиз эса, ҳеч бир миллатнинг тараққиёти, келажаги йўқ.

Шу маънода фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш орқалигина биз ўз миллий мафкурамизни ҳаётга тадбиқ этишимиз мумкин. Бу олийжаноб бурчни қанча тез англасак, миллий истиқлолнинг яна бир муҳим истеҳкомини яратган ва бунёд этган бўламиз.

Миллат обрўси — она диёр обрўси, ҳар бир фуқаронинг обрўси. Булар ўзаро уйғун ва муштарақдир. Бу улуғ мақсадга етиш учун хорижий давлатлар билан кенг мулоқотда бўлиш, ўқув юртимизнинг моддий-техника базасини Европа ва АҚШдаги дорилфунунлар даражасига кўтариш, четга чиқиш ва ватан манфаатлари йўлида изланиш, фаолият кўрсатиш учун чет тилларни чуқур ўрганиш керак бўлади. Мустақиллик шарофати туфайли бир неча йилдирки, ривожланган ўнлаб мамлакатлар дорилфунунлари билан яқин алоқада иш олиб боряпмиз. Кейинги вақтда ўзаро келишув асосида бир-бирларимизга профессор-ўқитувчилар, талабалар юбориш, дарсликлар, услубий қўлланмалар алмашиш, маърузалар ўқиш кенг кўлам кашф этди.

Университетимизга АҚШ, Туркия ва Жанубий Кореядан қатор профессорлар ташриф буюришди. Уларнинг чет тилидаги маърузаларини тинглаган кўплаб талабаларимиз халқаро бизнес мактабини битирганлик ҳақидаги гувоҳномаларни олишга муяссар бўлишди.

Яқин-яқинларга қадар ўз миллатини улуғлаш, миллий ютуқлардан фахрланиш, миллат обрўсини ошириш, унинг тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатлар «миллатчилик» ёрлиқлари билан қораланар эди. Наҳотки, ўз миллати билан ғурурланган инсон «миллатчи» бўлса? Аслида миллийлик миллатга мансублик — бу умумжаҳон тараққиёт қонуниятидир.

Ишончим комилки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни сабот билан жорий этиш, ёшларимизга жаҳон талаблари даражасида билим ва тарбия бериш ҳамда шу асосда иқтисодиётимизни ўнглаб, уни дунё бозори рақобатига бардош бера оладиган поғонага кўтариш бизга Ўзбекистонни яқин келажакда буюк давлат қиёфасида кўриш мушарраф этгусидир.

Зокиржон ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори, профессор.

ХДП ҳаётидан

ИСЛОҲОТЛАР ТАДБИРКОРНИ ЁҚТИРАДИ

Навбаҳор туманидаги Йулдош Охунбобоев номли жамоа хўжалигида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, айниқса кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда хўжалик бошқаруви раиси, УзХДП туман кенгаши бюро аъзоси Эркин Тоғаев хизматини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Илгари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навбаҳор туман кенгашининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатган бу ишбилармон йигит хўжалик бошқаруви раислигига сайланди-ю, ишда кескин бурилиш ясади. Айниқса, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, хўжалик ҳудудида кичик ва қўшма корхоналар очишда, деҳқончиликда ижара, чорвачиликда эса фермер хўжаликларини тузишда алоҳида фидокорлик кўрсатди. Ҳозирги кунда мазкур хўжаликда 400 га яқин оилавий ижарачи, ўнлаб деҳқон-фермерлар ишлаётир. Энг муҳими, кичик ва қўшма корхоналарнинг муттасил кўпайиб бораётганлигидир. Натижада, аҳолини иш билан таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Иқтисодий самаралар, кўрилган фойда ва Президент Фармони асосида хўжалик ихтиёрида қолган тола фойдаси ҳисобидан, аҳолига арзон нархда пахта ёғи, ун ва шоли берилди. Кейинги бир ярим ой давомида аҳолига 50 тонна ун, 15 тонна ёғ, 11 тонна гуруч тарқатилди. Бунинг устига хўжаликда 3 та тегирмон, битта мойжувоз ишлаб турибди... Эндиликда қишлоқларни газлаштириш, бунинг учун Россиядан мол айирбошлаш йўли билан қувурлар келтиришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди бошқарув раиси Э. Тоғаев. — Шунингдек, «Дамхўжа—Навоий» қувурли сув йўлидан хўжаликка об-ҳаёт келтириш чоратадбирларини ҳам кўряпмиз.

Президент Ислом Каримов Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларининг иккинчи босқичига кириб бораётганлигини таъкидлади. Бу борада алоҳида намуна кўрсатаётган Эркин Тоғаев каби жонкуяр раҳбарларнинг тажрибаси кўпчилик мулкига айланмоғи керак.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Шофиркон туманида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига хайрихоҳлар сони кўпаймоқда. Ўтган икки ойда туманда 38 нафар ёш йигит-қиз ХДП сафига қабул қилинди. Ўз тақдирини партия ҳаёти билан боғлаган бу ёшлар турли корхоналарда меҳнат қиладилар.

Ўз-ўзидан равшанки, аъзолар сафи кенгайиши, жойларда янги партия ташкилотларини тузишни тақозо этмоқда. Яқинда ХДП туман кенгаши бюроси туман соғлиқни сақлаш инспекциясида бошланғич партия ташкилоти тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Янги ташкилот атрофига 20 дан зиёд аъзо бирлашди. Бу билан туманда партия ташкилотлари сони 52 тага етди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕЖАЛАР ТАЛАЙГИНА...

Ҳар йили эрта баҳор кезлари пойтахтимиз тиббиётчилари ўзларининг анъанавий ҳисобот йиғинларига тўпланишлари одат тусига кириб қолган. Бироқ бу сафарги йиғилиш одатдагидан ўзгачароқ — танқидий рухда ўтганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Пойтахтдаги тиббиётчиларнинг беш минг кишилик катта армияси вакиллари тўпланган мазкур йиғинда шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Малика Зиёева ўз маърузасини ишдаги камчиликлар, нуқсонлар, етишмовчиликлар хусусидаги фикрлар билан бошлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда шаҳримиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Одамлар орасида кўпинча «шу дўхтирларга кунинг қолмасин-да», деган гаплар қулоққа чалинади. Беморларни аввало,, сир эмаски , дори-дармон масаласи қийнаяпти. вақти келса ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бир марта ишлатиладиган шприцлар етишмай қолади. Ўтган йили маълум бўлишича, шаҳар бўйича рентген пленкалари танқислиги жуда сезилган. Очиғи, бундай етишмовчиликлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин... Булар ҳақида музокарада қатнашганлар ҳам рўй-рост ўз фикрларини билдиришди.

Йиғилишда шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси фаолияти ўртача баҳоланди. Бу, ишлар ҳали кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатди. Республика соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов таъкидлаганидек, тузилган режалар бору, бироқ амалий ишлар сезилмаяпти. Қолаверса, тиббиётда ҳам ҳамма нарсани вазирлик ҳал қилиб беришини кутмай, тадбиркорлик билан иш юритиш вақти аллақачон етди.

Ушбу ахборотни бир савол билан якунлашни истардим: Тиббиётчилар қачон давлат тилига ўтишаркин?...

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда 200 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бундан бир неча ой муқаддам Даниядаги Шарқ ривожланиш фонди корхона маҳсулотларининг сифатини юқори баҳолаб, уларни «Бутунжаҳон олтин глобус» соврини билан тақдирлаган эди. Бундан руҳланган комбинат аҳли маҳсулот турларини янада кўпайтириш ва рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрлаб, жаҳон бозорига чиқишга ҳаракат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: йигирувчи Камола Имомова режаларни доимо ошириб бажаради; комбинатнинг ёш ишчиларидан Улуғбек Раҳмонов ва Елена Шиманфилар иш устида.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Дилдаги гаплар

ГАЗЕТАДАН ҚАРЗДОР ОДАМЛАР

ДАРДИНГ БЎЛСА ҲАМ ҚАРЗИНГ БЎЛМАСИН.

(Халқ мақоли).

Чори Тулаганов, деган эски танишимни учратиб қолдим. Касби — чарвадор. Қизириқ туманидаги «Кунчиқиш» деган хўжаликда ферма мудири бўлиб ишлайди.

— Мен сизлардан... умуман, газетадан қарздордайман, — деб қолди у таъби хира тортгандай бўлиб. — Чунки, яширишдан нима, обуна бўлмадим. Биронта газет олмайман. Пулини кўзи қиймапти, деманг. Йў-ўқ. Вақтида ололмаймиз газетани.

— Газета ўқимаганнинг нимаси ёмон. Телевизор бўлса, — дейман мен ҳам илмоқ ташлаб.

— Телевизор кино кўришга яхши. Кинони кўп кўраверсанг, бошоғриқ бўлар экансан. Газета ўқимасанг, яширимайман, худди овқатни нонсиз егандай бўлиб қолар экансан-ей. Айниқса, чўпонга керак газета. Яйловда электр йўқ, телевизор йўқ. Юради қулоқ-бурнини кесгандай сурувнинг изидан эргашиб. Қўлтиғида газета бўлса-ми, бошқа гап... Энди, мухбир, бизларни яна бир қарздор қилсангиз. Фермамизнинг ишларини ёритсангиз. Биз ўқимасак, ўқий олмасак, бошқалар ўқир. Ўқиб, Тулаганов, деган мудир бўлмиш жамоа ҳисори қўйларнинг ҳар юзтасидан тўқсон бештадан кўзи олаётган экан. Хўжаликнинг қўйларини бу йил бир ярим баравариға кўпайтиришаётган экан. Отасига раҳмат, уларнинг дер. Айниқса, манави Эшдавлат деганни ёзинг. Рашид бобо деганнинг ўғли. Рашид бобо деганимиз қирқ йил қўй боққан. Олтмиш учга кирди. Шу бобонинг ҳозир тўрт ўғли чўпон. Эшдавлат қўйни отасидан ҳам яхши кўрадиган бола.

— Бу нуқсонми, ё, фазилат? — деб Чори аканинг гапини бўламан мен.

— Билмадим, — деб елка қисиб маъноли кулади мудир. — Эшдавлат ўғилли бўлган. Тўғруқхонадан бугун об келиш керак. Ҳаёли бўлса - қўйда. Ҳей, Эшдавлат бола, касбни суйганинг яхши. Лекин одамгарчиликни ҳам тут. Эшитсам, қўйингни(чўпоннинг сурувдаги шахсий қўйларини айтмоқчи) касал бўлганда сўйиб ермишсан. Одам деганг ҳеч бўлмаганда ўзига ўзи қизғанчиқлик қилмаслиги керак. Вообще, биз катталар ёшларни қаноатли бўлишга, ҳудога шукр қилишга, одам бўлишга яхши ўргатмаяпмиз. Бу — камчилигимиз. Газетага ёзманг бу гапларни.

Тулаганов билан хайрлашдик. У, агар газетага тушиб қолсак, ўша газетани бизга обкеласиз. Почтачи яхши ишласа, ишламаса, иккинчи ярим йилликка обуна бўламиз. Ахир, дардинг бўлса ҳамки, қарзинг бўлмасин, деган гап бор, деб қолди.

Энди, азиз муштарий, мавриди келганда газетадан қарздорликнинг бошқа бир кўринишидан гапирсам.

Жарқўрғон туман кенгашининг нашри — «Жарқўрғон ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Ш. Муҳаммадиевнинг айтишича, тумандаги «Оққўрғон», Алишер Навоий номли ва яна бошқа улуғвор одамларнинг номлари билан аталадиган хўжаликлар бирмунча муддат ўтипти-ки, газетадан қарзларини узолмаётган экан. Қарз деганимиз оти дунё эмас — 250-300 сўм атрофида. Қарздан қутилайин, деса, хўжаликнинг пули йўқ, банк ўтказмайди. Банк, пулинг йўқ, деб хўжаликларга эшигини батамом ёпиб қўйган жойи йўқ. Банк хўжаликка қарз беради, — у-бу иссиқ-совуғига пул ўтказади. Бироқ газетага келганда, газетани озгинагина ҳимоялаш лозим бўлганда...

Обуна мавсумида ҳам шундай бўлди: хўжаликлар унча-мунча нусхага пул ўтказиш йўли билан обуна бўламиз, деб хўжжатларни қоралашди ва туман деҳқончилик саноати банки ҳукмига ҳавола қилишди. Жавоб оддий ва қатъий: пул йўқ. Демак, обуна ҳам йўқ. Газетани сотайин десалар, бунга шартнома ҳам йўқ. «Матбуот уюшмаси» вилоят ҳиссадорлик жамияти редакцияга, агар душанба кунига чиқариб, унда телевизор кўрсатувларини чоп этсангиз, газетангизни сотувга чиқариш бўйича шартнома тузамиз, депти.

— Газета ўзи ҳафтада бир чиқса. Унинг ҳам ярмини телевизор дастури билан тўлдирсак (газета кичик фарматда). Газетани одамлар унда теледастур босилгани учун сотиб олишади ёки обуна бўлишади, деган гапга қўшилмайман. Ахир Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида биз матбуот ходимларини фаолликка чорладилар-ку— дейди Ш. Муҳаммадиев қуюниб.

Хуллас, муҳаррирнинг айтишича, туманда ўн битта хўжаликнинг биронтаси идорасига «Жарқўрғон ҳақиқати» бормаяпти. Кўнгилли обуначилар тахминан 350 атрофида. Йиллик обуна нархи қиммат эмас — 50 сўм. Шундай бўлса-да...

— Юзнинг қийшиқлигини ойнадан кўрма, деган...

— Шаъмангизни тушундим, — дейди муҳаррир кулиб. — Лекин... Одамга ёмон ишлагани эмас, гоҳида яхши ишлаётгани ҳам халақит қилиб қолиши мумкин экан.

Биз кулишдик.

Телефон жиринглади. Мухлислардан бири муҳаррирга 604-қарор бўйича дўконлардан материал берсаларингизлар, деган таклифни айтди. Орадан кўп ўтмай, яна қўнгироқ. Туман кенгашидан. Сессия ҳақида ахборот бериш керак. Яна... Кимдир ҳукуматнинг яқиндаги қарори газетада босилиш-босилмаслигини сураяпти.

Бу манзара менга чорвадор Тулагановнинг, газета ўқимасанг, яширишдан нима, худди овқатни нонсиз егандай бўлиб қолар экансан, деган гапини эслатди. Хўжаликлар, жамоалар кичкинагина газетадан тирноқча қарзларини узолмай туравершинлар. Банк ниманидир рўкач қилиб, обуна пулини ўтказмасин. Лекин шунча йилдан буён чиқиб келаётган газетани одамлар ташлаб қўймайдилар, деган умиддамиз.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕАТРДА — СУМАЛАК

Куни кеча Аброр Ҳидоятов номли драма театрида Наврўз айёмига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбек санъатининг не-не даҳолари қадами теккан бу даргоҳда чинакам байрамона кайфият ҳукм сурарди. Бу байрамни яқиндагина Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуасида Наврўз тантаналарини саҳналаштирган, театрнинг бош режиссёри Баҳодир Йулдошев ташкил қилди.

Чиройли қилиб безатилган байрам дастурхони атрофида пойтахтимиз театрларидан келган меҳмонлар ўтиришибди. Бу ерда Навоий номли Ўзбек давлат академик Катта оцера ва балет театри, Муқимий номли мусиқали драма театри, республика Қўғирчоқ театри, Ёш томошабинлар театридан ташриф буюрган санъаткорларни учратдик.

Ерталабдан бошланган байрам меҳмонлари учун дошқозонда сумалак қайнатилди. Театрнинг истеъдодли актёрлари, хушовоз хонандалар Муножот Тешабоева, Саида Раметова, Мирза Азизовлар ўзларининг жозибали куй-қўшиқлари билан кечага янада файз бағишладилар.

Зулайҳо СОБИТОВА,
Маъсуда ЁҚУБОВА.

ЯНА «ВАРРАКЛАР» МАЛИКАСИ

Наврўз фақат катталарнинг эмас, болаларнинг ҳам байрами. Чечаклар, оғочлар, тошлар, ҳатто варраклар ҳам шу айёмда тантана қиладилар. Кўкни варраклар, майдону ўр-қирни болалар тутиб кетади. Дириллаётган ипни қўйвориб-тортиб, варракни баланд-баландга учираётган болаларни кузатар экан, Наврўз табиатнинг болаликка — бегуборликка қайтиш фасли эканини ҳис этади ҳар киши.

Наврўз байрамлар билан қўл ушлашиб келади. Куни-кеча пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган варраклар байрами пойтахт болаларининг чин байрамига айланиб, Наврўз тантаналарига уланиб кетди. Машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат «Болаларга беринг дунёни, ҳеч бўлмаса бир кунингга» деб ёзади бир шеърида. Наврўз арафасида мамлакатимиз пойтахтида шундай бўлди: дунё бир кунингга болаларга бериб қўйилди.

«Варраклар байрами»да 500 дан ортиқ ўқувчи-болалар варрак ясаш ва учириш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ғолибларни аниқлашда варракнинг ихчам, енгил, чиройли ясалгани, варракни баланд-баландга учириш ва бошқариш маҳорати ҳисобга олинди. Шу талабларга кўра, 1-ўринни Шайхонтоҳур туманидаги 95-мактаб ўқувчиси Абдувоҳид Халилов, 2-ўринни Чилонзор туманидаги 179-мактаб ўқувчиси Акмал Пўлатов, 3-ўринни эса Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги ёш техниклар тўгараги аъзоси Максим Герасимов олди. Ғолибларга байрам тантаналарининг ҳомийлари — «ОНИКС» ҳиссадорлик жамияти, «Индиана» фирмаси ҳамда «Камалак» нашриётининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Байрам тадбирларининг ташкилотчиси Г. Назармуҳамедованинг «Варраклар маликаси» деган фахрий номи иштирокчилар ва ҳайъат томонидан яна бир карра тасдиқланди.

— Бундай байрамни иккинчи марта ўтказмоқдамиз,— дейди Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ходими Гулчеҳра Назармуҳамедова.— Энди «Варраклар байрами»ни мамлакатимиз миқиёсида ўтказиш тайёргарлигини кўрмоқдамиз. «Варраклар байрами»— болаларнинг оддий кўнгилочар давраси эмас, балки уларнинг қобилиятини намоён этиш, иқтидорларини манфаатли мақсадга йўналтиришдир...

Дарҳақиқат, вояга етмаган болаларнинг англаб-англамай жиноий ишларга аралашиб қолаётгани, аксар ота-оналар болаларининг келажагини ўйламай, уларни ноқонуний тижорат ишларига ортиқча қизиқтириб қўяётганлари ҳолатини инобатга олсак, бундай байрамларнинг тарбиявий аҳамияти каттадир.

Салим АШУР.

Луқма

«ХОҲЛАСАНГИЗ МАЖАҚЛАБ КЕЛТИРИНГ»

Одатда, радио ёки телевизорларингизни тузатиш учун устахонага олиб борсангиз, уста аввал уни кўздан кечириб, «дарди»ни аниқлаб, кейин хизмат ҳақини белгиларди. Маъқул бўлса тузатишга топширардингиз, маъқул бўлмаса... Кўнглингиз ўзингиздан қолсин, буни бозор дейдилар.

Бироқ шаҳримизда бошқа антиқа усул борлигини биласизми? Айтайлик магнитофонингиз бузилиб қолди. Тузатиш учун пойтахтимизнинг Бобур кўчасида жойлашган «Планета» ателъесига олиб борасиз. Қабул қилувчи йигит магнитофонни у ёқ-бу ёғини айлантириб кўради-ю:

— Қолдиринг. Тузатиб берамиз, 218 сўм тўланг, — дейди.

Нархини эшитиб сапчиб тушасиз. Беихтиёр эътироз билдирасиз.

— Ахир, бу оз пул эмас. Шунча пулни нима учун тўлаётганимни билайин, лоақал.

— Нимасини тушунмайсиз? Прейскурант бўйича тузатиш ҳақи шунча, — дейди қабул қилувчи тажанглашиб.

— Э, аввал магнитофонимнинг дардини аниқланг. Балки касали арзимасдир. Бирорта сими узилган бўлсаю шунга 218 сўм талаб қилсангиз инсофданми? — деб эътироз билдиришда давом этади мижоз.

Шу пайт ўртадаги баҳсга устахона мудири Шавкат Юсупов аралашади.

— Магнитофонингизнинг касали оғирми-енгилми — барибир. Бизга бунинг аҳамияти йўқ. Хоҳласангиз мажақлаб келтиринг. Тузатиш учун 218 сўм тўлайсиз, вассалом. Сарфланган эҳтиёт қисмлар учун эса кейин алоҳида тўлайсиз...

— Ана холос! Ҳали буниси ҳам борми?!

Шунда миянгизга чақиндай фикр урилади: «Бўлар магнитофонни ҳали тузатмай 218 сўм талаб қилишаяпти. Тузатгандан сўнг қанча сўрашар экан-а?» Ўзингизча хомчўт қилиб кўрасиз ва... талончига дуч келиб қолган одамдай эсанкираб бузуқ магнитофонни қўлтиқлаганча ортга қайтасиз.

Бузуқ магнитофон эгаси
Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

P. S. Луқмани чоп этишдан аввал, «Орбита—сервис» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Бахтиёр Абдумажидовга қўнғироқ қилдим. Мақсад хизмат ҳақини осмону фалакка кўтарган усталарни инсофга чақириш эди. Бош директор гапларимни сабр билан тинглади-да чуқур уф тортди.

— Биродар, — деди у кейин. Бизни ҳам тушунинг-да, аслида хизмат ҳақини ошираётганлар биз эмас. Электр энергияси, иситиш, сув, ижара ҳақи, солиқ тўловлари шу қадар кўпайиб кетдики... Эҳтиёт қисмларни айтмай қўя қолайлик. Арзимизни тинглайдиган жой йўқ. Дардимизни ҳокимликка айтсак қулоқ солмайди. Бу аҳволда харажатларни қоплаш учун хизмат ҳақини кўтармасликдан бошқа чора борми?..

У яна аллақанча важларни келтирди: гўё улар оппоқ, ҳамма айб бошқаларда. Хуллас бош директорда хизмат ҳақини янада кўтаришга мойиллик борлигини фаҳмладим.

... Тўғри, англаган эканман: орадан икки-уч кун ўттач, ўша устахонада прейскурант ўзгариб, тузатиш ҳақи 218 сўмдан 327 сўмга кўтарилганини эшитдим.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

БУЮК БРИТАНИЯ ҳукумати Шимолий Ирландиядан 400 нафар ҳарбий хизматчисини олиб чиқди, деб хабар беради Синьхуа ахборот маҳкамаси.

1969 йилда Ирландия республикачилар армияси Буюк Британия таркибидан Шимолий Ирландияни ажратиб олиш мақсадида қўзғолон кўтарган эди. Ҳукумат қўзғолончиларни бостириш учун бу ерга ўз қўшинларини киритди. Айни пайтда Шимолий Ирландия ҳудудида ҳукуматнинг 18 минг нафар қўшини мавжуд.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

БИРЛАШГАН Араб Амирликлари пойтахти Абу-Дабида «Айдекс-95» халқаро ҳарбий кўргазма ўтказилди. Мазкур кўргазмада 43 мамлакатнинг 600 дан ортиқ қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган корхоналари иштирок этди. Кўргазма давомида Россия Федерациясининг «Росвооружение» давлат компанияси Ҳиндистонга 12 та замонавий зенит қурилмаси етказиб бериш юзасидан шартнома тузди.

АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

ПРАГАда Европа банк-молия анжумани ўз ишини якунлади. Унда европалик 320 нафар банк ходимлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари уч кун давомида собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган мустақил давлатларнинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Тадбирда Россия, Украина ва Литва вакиллари ҳам қатнашди.

ЎЗАРО МУЗОКАРА

КИЕВда Украина билан Грузия ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Украина яқин кунларда Грузияга 100 минг тонна бўғдой юборишга рози эканини билдирди. Шунингдек, учрашувда Грузиядан Украинага вино, чой ва «Боржоми» минерал сувини экспорт қилиш масалалари муҳокама этилди.

МУАММОЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

ЖЕНЕВАда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев билан АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокарада икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ масалалар ҳамда халқаро муаммолар муҳокама этилди. Шунингдек, Россия Федерацияси ва АҚШ раҳбарларининг май ойига режалаштирган олий даражадаги учрашувига тайёргарлик масаласи ҳам кўриб чиқилди.

БАЛИҚ ОВЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИШМОҚЧИ

ЕВРОПА комиссияси раиси Жак Сантер Канада Бош вазири Жан Кретьенни Шимолий Атлантикада балиқ овлаш муаммоси юзасидан музокара бошлашга чақирди. Шунингдек, агар Канада ҳукумати яна бир марта Европа кемасини халқаро сувда ҳибсга олса, Брюссел Оттава билан буладиган барча муносабатларни тўхтатади, деб айтди у.

ТАНСУ ЧИЛЛЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТУРКИЯ қўшинларининг Ироқ шимолида Курд жангариларига қарши олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларидан мақсад қўпорувчиликка қарши курашдир, деди мамлакат бош вазири Тансу Чиллер. Ушбу тадбир Туркиянинг халқаро майдонда якка-ланиб қолишига сабаб бўла олмайди, дея таъкидлади у.

Туркия қуролли кучлари матбуот марказининг хабарига кўра, ҳарбий ҳаракатлар давомида 13 нафар турк аскари ҳалок бўлган. Курд ишчи партияси жангарларидан эса 200 киши ўлдирилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.)

Муносабат

БИРГАЛАШИБ ҲАЛ ЭТСАК

Ўзбек халқининг асрий орзулари ушалиб, истиқлолни қўлга киритганига энди тўрт йил бўляпти. Халқ хўжалигида олдинга силжишлар кузатила бошланди. Лекин тараққиёт ҳар тарафлама камол топган билимдон мутахассисларсиз узоққа бормайди. Корхоналарни энг янги техника асосида қайта жиҳозлаш, қишлоқ хўжалигини илғор технология заминида ривожлантириш, янги конларни қидириб топиш, уларни ишга солиш, иқтисодни қайта қуриш, жаҳон фани ютуқларини ўзлаштириш турли соҳаларда етук мутахассисларни талаб қилади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин олий таълимда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Вилоятларда университетлар ташкил этилди. Лекин ҳамма университетларни ҳам Самарқанд, Фарғона, Тошкент давлат университети билан бир қаторга қўйиб бўлмайди. Тошкент давлат университети мамлакатимиздагина эмас, ҳамдўстлик мамлакатларида, айрим соҳаларда дунёда йирик илмий марказлардан бири ҳисобланади. Лекин ҳозирги вақтда Тошкент давлат университети имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Йилдан-йилга қабул камайиб кетяпти, ўқитувчи-профессорлар сони қисқаряпти. Илмий экспедицияларга, изланишларга ажратилган маблағлар камайиб бормоқда. Тошкент давлат университетига талабалар қабул қилиш ҳажмини қайта кўриб чиқиш ҳам зарур бўлиб қолмоқда. Чунки бу ўқув масканини бошқалардан фарқ қилиб, бутун мамлакатга мутахассислар тайёрлайди. Бу ерда география факультети ташкил этилганига ҳам кўп бўлди.

Ҳозирги замон география фанини ер юзида давлатлар, шаҳарлар, табиий объектлар, дарё, кўл, тоғ, чўл ва ҳоказоларнинг қаерларда жойлашганлигини ўргатадиган фан деб ўйловчилар ҳали ҳам учрайди. Бу нимадан далолат беради. Бунинг бир неча сабаби бор. Биринчиси, узоқ вақт давомида маъмурий, сиёсий раҳбариятнинг география фанига иккинчи даражали фан деб қараб келингани. География тадқиқотлардан хабардор бўлмагани ва уларнинг илмий натижаларидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, қурилишда етарлича фойдаланилмаганидир. Иккинчидан, географ олимлар, тадқиқотчилар ўз илмий ишлари натижаларини, умуман географик билимларини етарлича тарғиб қила олмагани ва учинчидан, умумий таълим мактабларида ҳозирги замон географияси етарлича ўрганилмаганлигидир.

Бугунги географик маълумотлар йиғувчи тасвирий фандан турли-туман маълумотлар асосида илмий хулосалар чиқарувчи, умумлашмалар яратувчи, илмий башорат қилувчи фанга айланди. У ҳозирги вақтда табиий хўжалик ва аҳолининг ҳудудий комплекслари, яъни географик тизимларни ҳар томонлама тадқиқ этувчи фундаментал фандир. Ҳозирги вақтда географик билимларсиз табиатдан оқилона фойдаланиб бўлмайди. Айниқса табиатни муҳофаза қилиш ишида географик билимлар муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий тўғри ташкил қилиш, чет эллар билан алоқаларни оқилона йўлга қўйиш масалалари ҳам географияда марказий ўрин тутади. Демографик муаммоларни тўғри ҳал қилиш ҳам кўп жиҳатдан географик билимларга асосланади. Географик билимлар маркази, географик мутахассислар тайёрловчи бош маскан бўлган Тошкент давлат университети география факультети олдида ҳозирги вақтда бу фанни ва унинг тармоқларини ривожлантиришдек катта вазифалар турибди.

Биринчиси географик илмий ишларни ривожлантириш. Республика географиясининг анъанавий соҳалари озми-кўпми ривожланган, лекин янгилари энди пайдо бўлиб, аста шаклланяпти. Бундай соҳаларга геоэкология, сиёсий география, жаҳон савдо-сотиқ ва ишбилармонлик географияларни киритиш мумкин. Худди шунингдек, картография ва геодезия, табиатдан фойдаланишнинг геоэкологик асослари, ҳозирги замон демографик сиёсати соҳалари ҳам эътиборни кучайтиришни талаб қиляпти.

Географик илмий ишларни ривожлантириш ўз навбатида илмий экспедициялар уюштиришни, жаҳондаги илғор мамлакатларда нашр этилаётган илмий адабиётлар билан чуқур танишишни талаб қилади. Бу эса чет эллардаги илмий тадқиқот ташкилотлари, университетлар билан алоқаларни кучайтиришни зарурат қилиб қўяди.

Иккинчи гуруҳ вазифаларига ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон илмий тараққиёти стандарти даражасидаги билимга эга бўлган илмий ходимлар ва педагог ўқитувчиларни тайёрлаш киради. Бу соҳада Тошкент давлат университети илмий ва моддий имкониятлар билан республикамиздаги бошқа университетлардан ажралиб туради. Шуларни эътиборга олиб, факультетга қабул масаласини такомиллаштириш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, вилоятлардаги университетларнинг кучли талабаларини 2 ёки 3-курслардан бошлаб Тошкент давлат университетида ўқитиш тажрибасини жорий қилиш жоиз бўлар. Шу ўринда бу ерда аспирантурани, илмий ва педагогик стажёрликни кучайтириш лозимлигини қайд қилиш зарур.

ТошДУ ва география факультети профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари олдида турган яна бир муҳим вазифа замон талабларига жавоб берадиган дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар ёзиб нашр қилишдир. География ўқитиш методикаси, тармоқ методикаси соҳасида бир қанча ўқув қўлланмалари ёзиб, кам нусхада нашр қилинди. Бу албатта талабни қондира олмайди.

Яна бир вазифа. Ўзбекистон География жамияти фаолиятини тиклаш пайти келди. Илгарилари жамиятнинг илм-фанга, таълим методикасига оид мақолалар, турли ахборотлар, тақризлар эълон қилинадиган «Ахборотномаси» (илмий тўплами) нашр этилар эди. Бугунги кунда эса молиявий қийинчилик туфайли бу ишлар бирмунча сустлашиб қолди. Шу туфайли ҳам мамлакатда география фани ютуқларини омма орасида тарғибот қилиш ишлари талаб даражасида эмас. Бизнингча, мазкур муаммони Ўзбекистон Республикаси География жамияти «Ахборотномаси»ни тиклаш орқали ижобий ҳал этиш мумкин.

З. АКРОМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти совриндори.
П. ҒУЛОМОВ,
ТошДУ география ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, география фанлари номзоди, доцент.

Соғлом авлод учун

ПАХТАОБОДДА БИР ГАП БОР...

Қишлоқ кишилари оддий ва содда бўлишади. Уларнинг ғубор кўнмаган кўнгилларига йўл топиш қийин эмас: икки оғиз ширин гапга мойдай эриб кетишади. Кўнгилчанлигидан кўпам турмуш ташвишларига берилаверишмайди. Зеро, хўжалик, томорқа юмушларидан кечиш, ҳотиржам бўлиш кошки уларнинг кўнглига сиғса. Бунинг туб сабабларини ўрганиб чиққан пахтаободлик шифокорлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг кўпчиликка маъқул усулларини ишда қўлламоқдалар. Тиббий хизматдаги бу янги тизимлардан ҳозир Андижон вилоятида кенг қўлланиляпти.

— Аслида бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди Пахтаобод тумани марказий шифохонасининг бош шифокори, ХДП аъзоси Сотволди Раҳимов. — Қишлоқ турмушини, одамларнинг эҳтиёжини чуқурроқ ўрганишнинг ўзи кифоя. Очиғини айтиш керак, болали аёллар, мўйсафидлар шифохонада ётиб даволанишни унчалик хушлашмайди. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда муолажа олишдан бош тортишади. Уларга тиббий хизмат кўрсатишнинг манфаатли усулларини тавсия этдик. Бу аввало қишлоқ врачлик амбулаторияларимизда йўлга қўйилди. Уларда беморларни кундузи даволайдиган бўлимлар очдик. Туманимизда қўшимча ташкил қилинган 185 ўрин хаста кўнгилларга малҳам бўлди. Улар кундузи соғлиғини тиклаб, кечқурун уй, оила юмушлари билан бемалол шуғулланмоқдалар. Кундузги бўлимларимизга қатнаш имкони бўлмаган беморларни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз йўқ. Уларнинг уйида стационар очиб, малакали шифокорларга бириктириб қўйяпмиз.

Туманимиз марказида бир кунда 600 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника бор. Унда ҳамма ихтисослик бўйича тажрибали мутахассислар иш олиб боришмоқда. Уларнинг ёрдамига таяниб, поликлиника қошида юрак-қон томир касалликларини даволашга йўналтирилган ихтисослашган бўлим очдик. Бу бирданига 200 беморга ишдан ажралмаган ҳолда даволаниш имконини берди. Улар икки-уч ой мобайнида ўзларининг бўш вақтларига қараб, кунниинг исталган пайтида врач кўригида бўлмоқдалар. Касаллик варақасига ҳеч ким эҳтиёж сезмаяпти. Бундан ташқари, поликлиникада соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш мақсадида очилган ўсмирлар бўлими ҳам иш олиб бормоқда. Унда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Тиббий хизматдаги янги йўналишлар қишлоқ врачлик амбулаторияларининг жарроҳлик бўлимларида ҳам кўзга ташланмоқда. Жароҳатланган беморлар туман марказидаги шифохонада эмас, балки ўзига қарашли амбулаториянинг шу бўлимида операция қилинмоқда.

Пахтаободда тиббий соҳага эътибор катта. Уни ривожлантиришга ҳамма бирдек бош қўшмоқда. Айниқса, айрим ташкилот ва корхоналар бу борадаги ёрдамларини аяшмаяпти. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай шифохоналарни зарур маблағ билан таъминлашмоқда. Пахтаобод темир бетон буюмлари заводи, ип йигирув, тўқув фабрикаси, 114, 115-механизациялашган кўчма колонналар, Каримжон Раҳимов номли ва «Андижон» жамоа хўжаликлари бу борада алоҳида меҳр-мурувват кўрсатмоқдалар. Ҳомийлар кўмаги билан шифохоналардаги шарт-шароитлар тобора яхшиланиб бораяпти.

Халқимизда излаган имкон топади, деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Шу боисдан ҳам пахтаободлик шифокорлар муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этишмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Саноат

МАРМАРИМИЗ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

БУХОРО (мухбиримиздан). «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли «Бухоромармар» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси дастлабки маҳсулотларни буюртмачилар қатори хорижга ҳам жўнатмоқда.

Иш бошланганига кўп бўлгани йўқ, лекин бирлашма жамоаси республикадаги буюртмачи қурилиш ташкилотларига 500 кв. метр, Уфадаги «Камазстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасига 250 кв. метр мармар плиталар жўнатди.

Буюртмачилар ҳам уларни қуруқ қўйишмаяпти. Маҳсулот эвазига автотранспорт жўнатишяпти. Ойнадек силлиқ ва бежирим мармар плиталар эндиликда Туркия, Саудия Арабистонига ҳам юборилади. Бунинг учун Зарбанд, Ғозғон, Нўрота конларидан олинаётган хом ашёга Ангрендаги Италия-Ўзбекистон қўшма корхонасида қайта жило берилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН "БУРЧ" ЖАМИЯТИ

Пресс усулида ғишт ишлаб чиқариш қурилмаларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ғиштни қуйдириш талаб қилинмайди.

Бизнинг қурилмада тайёрланган ғиштнинг таннархи қизил ғиштга нисбатан 3-4 марта арзон.

Қисқа муддатда ўзини қоплайди ва бизнинг қурилма хизмат кўрсатишда оддийлиги билан қишлоқ қурилиши учун ноёбдир.

Телефонлар: соат 18^{00} гача 44-47-20, соат 18^{00} дан кейин 44-48-20.

Самарқанддаги «Сино» совуттичлар ишлаб чиқариш заводи ўз маҳсулотлари билан фақат республикамиздагина эмас, балки қўшилаб хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган.

Заводга Олмониянинг «Форон» фирмаси инвестициясининг жалб қилиниши бу ерда ишларнинг янада ривожланишига туртки бўлди. Улар бир қанча соҳалар бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. «Сино» ва «Форон» ўртасидаги келишувга асосан ташкил этилган қўшма корхона 1996 йилдан халқаро андозаларга мос келадиган турли совуттичлар ва кир ювиш машиналари ишлаб чиқара бошлайди. Немис ишбилармонлари яхши ниятда ўн беш минг марка маблағ ажратганлар.

Шунингдек, Литванинг Мажяйкяй шаҳридаги «Оврува» ҳиссадорлик жамияти вакиллари ҳам Самарқандда бўлиб, завод маъмурияти билан велосипедлар ва турли резина ўйинчоқлари тайёрлайдиган қўшма корхона тузиш ҳамда совуттич ва музлаттичлар учун компрессор моторлари етказиб бериш борасида шартнома тузишдилар. Ҳозирданоқ болтиқбўйилик машинасозлар заводга уч минг дона компрессор моторлари жўнатдилар.

Суратда: «Сино» синаш станциясида. Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.



«ВОЛЬФСОН ШАРҚ ИНТЕРПРАЙЗИС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

токарлик, фрезерлик, сайқаллаш, чархлаш дастгоҳларини, шунингдек мослаш-йўнувчи ва ётиқ-йўнувчи дастгоҳларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган шаклда, мавоза ҳам мумкин.

Харид этиш масаласи бўйича мурожаат этиш учун телефонлар: 54-89-96, 34-54-59, 54-06-58.

Ишлаб чиқариш

ХАРИДОРГИР БУЮМЛАР

Тошкент вилоятида хусусийлаштиришнинг турли шаклларини ривожлантириш юзасидан режалаштирилган ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли эҳтиёжидаги моллар ишлаб чиқаришда, айниқса ҳиссадорлик жамиятларининг улуши кўпайиб бораётир. Олмалиқ шаҳридаги «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти шулар жумласидан. Айни пайтда бу фирма дўконлари орқали сотилаётган буюмлар тури ўттиз хилдан ошиб кетди. Жамият корхоналарида тайёрланаётган катталар ва болалар костюм ва ички кийимлари, гилам ва палослар харидоргир.

Яқинда яна бир неча янги маҳсулот дўконларга чиқарилди. Улар орасида ишчиларнинг махсус кийимлари, қурпа-тўшаклар бор.

Абдунаби МАННОПОВ.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚУРОЛЛИ ГУРУҲ ҚЎЛГА ТУШДИ

Яқинда Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, тиш-тирноғигача қуролланган хавфли жиноий гуруҳнинг кирдикорлари фош этилди. Ўта оғир ҳисобланган қатор жиноятларни мунтазам равишда содир этиб келган бу гуруҳ қўлга олинди.

Гуруҳ аъзоларидан бирининг уйи тинтув қилинганда у ердан кўплаб жанговар гранаталар, катта миқдордаги портловчи моддалар, ўқдори ва снарядлар, кўплаб совуқ қурол ҳамда мосламалар борлиги маълум бўлди. Мазкур гуруҳнинг бошқа бир аъзосидан эса, қўлда ясалган тўппонча ва қирқма милтиқдан ташқари кучли таъсир кўрсатувчи гиёҳванд модда ҳамда катта миқдорда тилло буюм, тақинчоқлар топилган. Айни вақтда мазкур тўда аъзоларининг устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоятнинг Баҳористон туманидаги Черемушка қўрғонида истиқомат қилувчи туман электр тармоқлари идорасининг қоровули ҳам милтиқни яхши кўрадиганлар хилидан чиқиб қолди. Унинг уйидан 16 калибрли қирқма ов милтиғи ва унинг 19 дона ўқи топилди.

Бундай қуроллар нафақат эркаклардан балки аёлларнинг ҳам уйларидан ва ёнларидан топилаётир. Яқинда Самарқанд шаҳар ички ишлар ходимлари Сартепа даҳасида яшовчи бир аёлнинг уйидан қурол топишди. Вилоят касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлаётган бу аёлга қўлда ясалган тўппонча нимага керак бўлиб қолдикин?

Юртимизда тинчлик, осойишталик барқарор. Аммо буни ҳазм қилолмайдиган кишилар ҳам афсуски йўқ эмас. Бўлмаса, юқорида зикр этилган жиноятчи тўдаю, уйида ва қўйнида қурол сақлаб юрган кишиларга бу не даркор? Лекин ишонч билан шуни қайд этиш лозимки, бу хабарлардан безовта бўлишга сира хожат йўқ. Чунки милиция ходимлари ҳар доим ва ҳар вақт ўз ишида сергак.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Мухбиримиз бонг уради

СОЛИҚЧИ СИНЧКОВ БЎЛМАСА...

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида солиқ тизимининг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Минглаб хусусий корхоналар, воситачи-тижорат дўконлари ҳақиқий даромадини аниқлаб, улардан олинадиган солиқларни ўз вақтида давлат хазинасига тушириш ўнлаб касб эгаларига ўз вақтида ойлик маош етказиб бериш ҳам демакдир. Солиқ идораларидаги қилни қирқ ёрадиган, пишиқ-пухта, ҳалол, пок ходимлар ана шу шарафли мақсад йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Афсуски, солиқчилар синчков бўлмаган, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган жойларда «уддабурон» ишбилармонлар ўз даромадининг бир қисмини яшириб қолишга ҳам муваффақ бўлмоқдалар. Фарғона вилоят прокуратураси ўтказган текширишларда тижорат-восита дўконларида молларни қайд қилиш дафтарларини юритиш, даромадни яшириш мақсадида фуқаролар топширган ёки чет элдан келтирилган молларни сотишда йўл қўйилган жиддий қоидабузарликлар аниқланди. Фарғона шаҳридаги фирмалардан бири «Хўжа Аҳмад Яссавий» деб аталади. Пештоқига ўзининг доно байтларида ноҳалолликни катта гуноҳ дея атаган улуғ инсон номи ёзилган дўкон ичкарисида эса тескари манзара. 841 минг сўмлик мол қайд қилиш дафтарига киритилмаган. Демак, улардан солиқ тўланмаган. Бунинг устига дўкондаги молларни синчиклаб ҳисоб-китоб қилинганда 1415 сўмлик камомад борлиги аниқланди.

Ўзлари топган даромаддан давлат ҳисобига тегишли солиқ тўлашдан қочган дўкон мутасаддилари жавобгарликка тортилдилар, албатта. Энди улар Яссавий бобомизнинг

Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,
Термилтириб халойиққа зор айлади...

деган сатрларини пичирлаб такрорлаб юришгандир.

Марғилон шаҳридаги «Осиё» тижорат-восита дўконида уч турдаги 410 сўмлик мол қайд дафтарига киритилмаган, 10 минг 443 сўмлик мол эса ҳисобу китоб фактураларисиз ва нарх ёрлиқларисиз сотиляпти.

З. Ғофуров ўзи мудир бўлган дўконга «Ҳаё» деб ном қўйган. Афсуски, даромадни яшириб, давлатни алдашда бу шахс ҳаёли иш қилмади!

Фарғона ва Марғилондаги қоидабузарликлар ҳам ҳолва экан. Қўқон шаҳридаги шаҳар кўча ва майдонларини ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардай босиб кетган тижорат-восита дўконларининг... бирортасида ҳам даромадларни акс эттирувчи моллар ҳисоботи юритилмай келинган! «Гулнора», «Саодат гули», «Саодат», «Ислом»каби ўнлаб дўконларда юқоридаги усул билан давлат хазинасига тўланадиган солиқларни яшириб келганлар. Ажабо, Қўқон шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари наҳотки шу манзарани кўрмаган, сезмаган бўлсалар! Эътиборсизлик, ўз ишига совуққонлик ҳам эви билан-да!

Солиқ тизими ходимлари орасида ўз хизмат вазифасини тўла-тўкис бажаришда эътиборсиз шахслар билан бир қаторда қонунбузарлар ҳам учраб туриши аёнарли. Қува туманидаги «Водий» кичик корхонасида даромадларни қайд қилиш дафтари юритилмаган. Солиқ инспекцияси ходими Ф. Абдуллаев бу аҳволни текшириб, тегишли баённома тузган. Хўш, туман солиқ инспекцияси мутасаддилари даромадни яшириб, бюджетга тушадиган пулни ҳамёнга ураётган устамон тижоратчини дарҳол тартибга чақириб, жавобгарликка тортишди деб ўйлайсизми? Аксинча, баённома инспекция бошлиғининг ўринбосари Б. Маматов столи тортмасида ярим ойдан ортиқ чанг босиб ётди. Кейинчалик қоидабузар корхона бошлиғига озгина жарима солиш билан чекланилди.

Солиқ идоралари айрим ходимларининг бундай муросасозлиги катта миқдордаги маблағларнинг давлат бюджетига кирим қилинмаслигига сабаб бўляпти. Ахир, Марғилон шаҳридаги 167 та, Қўқон шаҳридаги 212 та хусусийлаштирилган дўкон ва корхоналарнинг турли хийла-найранглар билан солиқ тўловлари тўлашдан қочаётганликларини шу шаҳар солиқ инспекцияси ходимларининг муросасозликларидан бошқа нима билан изоҳлаш мумкин?!.

Солиқлар — мустақил мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи муҳим омил. Буни ватанни севувчи, юртга хизмат қилувчи ҳар бир инсон, энг аввало солиқ тизимларининг ходимлари чуқур англаб олмоқлари керак-ку!

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР

ДИҚҚАТИГА

Маҳаллий хом ашёдан хилма-хил газмоллар тайёрлай оладиган, жаҳон талабларига жавоб берадиган энг сўнгги маркадаги тўқув дастгоҳларига эга бўлишни истайсизми?

МАРҲАМАТ!

Украинадаги Черновси енгил саноат машинасозлиги бирлашмасининг Марказий Осиёдаги расмий ва ягона вакили —

"ЭКУМА"

фирмасига мурожаат қилинг.

Фирма Тошкентдаги омбордан:
КО-2 спорт ва ички кийимлар;
МПФ-6-10 устки кийимлар;
ПА-қўлқоп тўқувчи;
"Нева-5" қўлда тўқишга мўлжалланган дастгоҳларни

сотмоқда.

Ҳақ тўлаш усули-Сизга маъқули. Қўнгирокларингизни кутамиз.

Телефонлар:
35-96-39 (соат 8 дан 18 гача)
37-31-04 (соат 17 дан 21 гача)

МАРҲАБО, ФУТБОЛ БАҲОРИ!

БУГУН МАМЛАКАТ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАР САРИ

Ниҳоят, ишқибозлар интиқиб кутган дамлар келди. Миллионлар севган ўйин - футбол масуми бошланаётир. Катта спорт байрами муносабати билан республика футбол федерацияси бош котиби Салим ЭШМУҲАМЕДОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Суҳбатимизни ўтган йилги футбол мавсуми якунларидан бошласак.

— Ўзбек футболининг 1994 йилдаги катта ютуғи шубҳасиз, миллий терма жамоамизнинг Японияда ўтказилган Осиё ўйинлари чемпиони бўлганлигидир. Бу ютуқ Ўзбекистонни дунёга танитди. Миллий чемпионат ўйинларини тўртинчи бор ўтказиш арафасида алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлкамизда футбол ривож топди, спортнинг оммавий турига эътибор кучайди. Буни ФИФА доирасида Ўзбекистон футболининг рейтинги ортиб бораётганлигида кўриш мумкин. Осиёда ҳозир республикамиз футбол мақоми биринчи бўлиб турибди. Шу ўринда мамлакатимиз чемпиони — «Нефтчи» жамоасининг Осиё чемпионлари кубоги баҳсларида муносиб иштирокини айтиб ўтиш лозим. Муваффақиятимизнинг бош омили ҳукуматимизнинг спортга, хусусан футболга катта эътибор бераётганлигида деб биламан.

Вазирлар Маҳкамасининг республикада футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан кейин мамлакатимизда анча ишлар қилинди. Ҳар бир вилоят раҳбари бевосита футбол учун масъул бўлганлиги айни муддао бўлди. Ўтган йили Тошкентда учта халқаро мусобақа ўтказилди. Марказий Осиё миллий терма ва ёшлар терма жамоалари ўртасидаги учрашувлар ҳамда сентябрда «Мустақиллик кубоги» ўйинлари Голландия жамоалари иштирокида ўтказилганлиги ҳам футболимиз ривожига ижобий таъсир қилди. Мавриди келганидан фойдаланиб айтиб ўтай. Бултур 5,5 миллион киши стадионларга келишди. Бу, 1993 йилга нисбатан анча юқори.

— Чемпионат ўйинларини ўтказишдаги янгиликлар кўпчиликни қизиқтиради. Шулар хусусида ҳам икки оғиз гапирсангиз?

— Шу вақтгача олий ва биринчи лигада 34 та жамоа иштирок этаётганди. Бу йил уларнинг сони ортди — 42 тага етказилди. Демак, олий ёки биринчи лигада ҳар бир вилоятнинг жамоаси бор.

Яна бир янгилик шуки, ҳозирги шароит тақозосига кўра, 26 та жамоа икки минтақага бўлиниб, чемпионат ўйинларида қатнашадиган бўлди. Турнир жадвали ҳам талаб даражасида тузилган. Энди ҳар ҳафтада битта ўйин ўтказилади. Миллий чемипонатимиз янада қизиқарли ва муросасиз ўтади. Чунки бу йилдан бошлаб ғалабага 3 очко берилади. Дуранг қилганлар эса бир очкодан олишади. Мавсумга «Нефтчи», «Навбаҳор», «Нурафшон», «Пахтакор», «Сўғдиёна» ва МҲСК жамоалари яхши тайёргарлик кўришди.

— Мухлислар бу йил ҳам ўтган йилгидек халқаро учрашувларни кўришлари мумкинми?

— Бу борада қатор режаларимиз бор. Маълумки, май ойида олимпиада ўйинларининг саралаш учрашувлари бошланади. Ўзбекистон Олимпиа терма жамоаси Марказий Осиёдаги уч жамоа билан олти учрашув ўтказади. Шунинг учтаси Тошкентда бўлади. Сентябрь ойида Мустақиллик кунига бағишлаб Голландия жамоалари билан бир неча учрашувлар ўтказиш ниятидамиз. Қолаверса, Африка қитъаси чемпиони-Нигерия билан Осиё ўйинлари ғолиби-Ўзбекистон терма командалари ўртасида ўртоқлик учрашувини ўтказиш бўйича музокараларда бир тўхтамга келинса, ўйлайманки, мухлисларимиз хурсанд бўларди.

— Футболимиз ривожи, келажаги ёшларни тарбиялашга боғлиқ. Бу борадаги ишлар қандай?

— Дарҳақиқат, келажаги буюк Ўзбекистонимиз ҳақиқий футбол мамлакатига айланиши учун аввало ёш истеъдодларни тарбиялашимиз керак. Шу маънода олий ва биринчи лига жамоалари устозларига шарт қўйдик. Ҳар бир жамоада камида битта 18 ёшли футболчи бўлиши керак. Юртимизда қобилиятли футболчилар кўп. Гап уларни топиб тарбиялашда. Туманларда, вилоятларда спортнинг шу турини оммалаштириш учун тез-тез мусобақалар ўтказиш ва иқтидорларни саралаш биринчи галдаги вазифа. Агар биз Осиё чемпионимиз деб юраверсак, ёшларга эътибор бермасак, футбол ривожланмайди. Кечаги ютуққа маҳлиё бўлиш мағлубият дегани. Футбол — мунтазам ҳаракатни, изланишни, камолат сари интилишни ёқтиради. Ўзбек футболчиларини катта синовлар кутяпти. Масъулиятли йирик мусобақаларда муносиб қатнашиш учун ёш спортчилар маҳоратини ошириш зарур.

— Салим ака, футбол ишқибозларини «Пахтакор»нинг бутунги аҳволи қизиқтириши табиий...

— Тушундим. Ўзбекистоннинг фахри бўлган «Пахтакор»нинг йилдан-йилга орқага кетиши нафақат мухлисларни балки, бу соҳа мутасаддиларини ҳам ташвишлантираётганди. Кўпчиликнинг хабари бўлса керак, «Пахтакор»га бу йилдан бошлаб голландиялик футбол мутахассиси устозлик қилаётир. Яқинда «Пахтакор» футболчилари Голландия сафаридан қайтишди. Улар Голландияда учта ўртоқлик учрашуви ўтказиб, уччаласида ҳам ғалаба қилишди. Пахтакорчилар чемпионат ўйинларига яхши тайёргарлик кўришди. Ўйлайманки, жамоа бу йил ўзининг чиройли ўйинлари билан аввалги шуҳратини тиклайди ва мухлислар ишончини оқлайди.

Баҳорда байрамлар кўп. Аслида кўкламнинг ўзи биз учун катта шодиёна. Лекин айнан шу фаслда футбол мавсумининг бошланиши ишқибозлар учун яна бир байрам. Стадионларда чемпионат байроғи кўтарилиб, футбол марши янграйди. Яшил майдонлар эса футболчию ишқибозларни ўзига чорлаяпти.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўйингоҳлар мавсумга шайми?

МУХЛИСЛАР РАНЖИШМАСИН

Қашқадарёлик мухлисларнинг мавсум бошидаёқ кўнгиллари чиқмай турибди, деса муболаға бўлмас. Боиси, вилоят ва шаҳар футбол жамоалари мавсумга қанчалик пухта тайёргарлик кўришганлигини билмадик-ку, лекин ўйингоҳларнинг аҳволи қаровсизликдан далолат бермоқда. Бир пайтлар «Меҳнат» ўйингоҳи ўзининг файзлилиги, майдоннинг ям-яшиллиги билан диққатни тортарди. Ҳозир кўрсангиз, наҳотки шу ерда футбол ўйнаб бўлса, деган фикрга борасиз. Худди шундай манзара «Геолог» ўйингоҳида ҳам кўзга ташланади. Тўп суриладиган майдонга ишлов берилмаса, сунъий сув сепиш мосламалари ўрнатилмаса, тақир ёки чанги осмонга кўтариладиган майдонда футболчиларнинг жавлон уриши қандай бўларкин?

«Геолог»да машқхоналар, мухлислар учун ўриндиқлар таъмирланмаган. Ўйингоҳга кираверишда футбол жамоаларининг рўйхати кўрсатилган лавҳача ҳам кўринмайди. Учрашув натижалари қайд қилиб бориладиган табло ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз бундай ноҳуш кўринишнинг сабабларини билиш учун ўйингоҳ директори Қодир Турдиевга мурожаат қилдик:

— Кўринишидан ўйингоҳ мавсумга тайёр эмас шекилли?

— Ҳа энди, директор бўлиб иш бошлаганимга бир ҳафта бўлди, холос. Дастлабки қилган ишим бир гектарлик ўйингоҳнинг ўнқир-чўнқир жойларини тупроқ билан тўлдириш бўлди. Гапнинг сирасини айтадиган бўлсам, 90-йилларнинг бошларига келиб, ўйингоҳга эътибор берилмай қўйди. 1993 йилдан шаҳардаги «Насаб» уюшмаси вилоят кўнгилли спорт жамиятидан ўйингоҳни ижарага сўраган эди. Кейин икки ташкилотнинг ўзаро келишуви билан 5 йилга шартнома тузилган. Келишувга мувофиқ мазкур уюшма ўйингоҳни тўлиқ таъмирлаб бериши керак эди. Негадир шартнома бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмади. Шундан кейин вилоят кўнгилли спорт жамияти шартномани муддатидан аввал тугатиб, ўйингоҳни яна ўз ихтиёрига олди...

Ўйингоҳнинг катта залида ҳам бўлдик. Афсуски, атрофга қараб бўлмайди. 80-йилларнинг ўрталарида бошланиб, ҳалигача битмаган ўзига хос сарой 1991 йилга келиб эътибордан четда қолган. Ҳеч ким аниқ жавоб айта олмайди. Залнинг шифтидан чакка ўтиб ётибди. Махсус машқ тўшакларини зах босган. Қизиғи шундаки, ишга солиб юборса, фойдаланилса бўладиган имкониятлар бой берилмоқда. Ваҳолонки, юртимизда халқ севган ўйинни янада ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, қобилиятли футболчиларни тарбиялаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Футболни ривожлантириш тадбирларига бағишланган ҳукуматнинг алоҳида қарори эълон қилинганига ҳам икки йил бўлиб қолди. Зеро, вилоятнинг футболга мутасадди кишилари бундан хулоса чиқармай, ўз ишларида ижобий ўзгаришлар қилишмаяпти. Бу аҳволда минглаб мухлислар умид боғлаб турган «Насаф» жамоасининг янги мавсум ўйинлари қандай кечади? Маълумки, ўтган йили бу жамоанинг учрашувлари ҳақида шаҳарнинг бирон ерида афишалар кўзга ташланмаган эди. Бу аҳволда футбол жамоаси ўз мухлисларини йўқотиб қўяди-ку!..

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олий табақа жамоаларининг ўйинлар тақвими

		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
1	"Нефтчи"		2.4	21.10	16.4	7.10	29.4	24.9	14.5	10.9	31.5	26.8	11.6	13.8	25.6	29.7	28.3
2	"Нурафшон"	28.10		15.4	7.10	29.4	24.9	13.5	9.9	31.5	26.8	11.6	13.8	25.6	29.7	28.3	8.4
3	"Навбаҳор"	8.4	14.10		29.4	24.9	13.5	9.9	31.5	26.8	11.6	13.8	25.6	29.7	28.3	28.10	23.4
4	МҲСК	15.10	23.4	1.10		13.5	9.9	31.5	26.8	11.6	13.8	25.6	29.7	28.3	28.10	9.4	6.5
5	"Темирйўлчи"	23.4	1.10	6.5	17.9		31.5	26.8	11.6	13.8	25.6	29.7	28.3	28.10	8.4	14.10	27.5
6	"Сўғдиёна"	1.10	6.5	17.9	27.5	6.9		11.6	13.8	25.6	29.7	28.3	28.10	8.4	14.10	23.4	3.6
7	"Политотдел"	6.5	17.9	27.5	6.9	3.6	19.8		25.6	29.7	28.3	28.10	8.4	14.10	23.4	1.10	17.6
8	"Пахтакор"	17.9	27.5	6.9	4.6	20.8	17.6	6.8		28.3	29.10	8.4	14.10	23.4	30.9	7.5	2.7
9	"Трактор"	28.5	6.9	3.6	19.8	18.6	5.8	1.7	4.11		8.4	14.10	23.4	1.10	6.5	17.9	8.10
10	АСК	6.9	3.6	19.8	17.6	5.8	1.7	4.11	1.4	21.10		23.4	1.10	6.5	17.9	27.5	14.10
11	"Наврўз"	3.6	19.8	17.6	5.8	1.7	4.11	1.4	21.10	15.4	7.10		6.5	17.9	27.5	6.9	1.10
12	"Янгиер"	19.8	17.6	5.8	1.7	4.11	1.4	21.10	15.4	7.10	29.4	24.4		27.5	6.9	3.6	17.9
13	"Атласчи"	17.6	5.8	1.7	4.11	1.4	22.10	15.4	8.10	30.4	24.9	13.5	9.9		3.6	19.8	6.9
14	"Чирчиқ"	5.8	1.7	4.11	1.4	21.10	15.4	7.10	29.4	24.9	13.5	9.9	31.5	26.8		17.6	19.8
15	"Машъал"	1.7	4.11	1.4	21.10	15.4	7.10	29.4	24.9	13.5	9.9	31.5	26.8	11.6	13.8		5. 8
16	"Динамо"	4.11	21.10	7.10	24.9	9.9	26.8	13.8	29.7	1.4	15.4	29.4	13.5	31.5	11.6	25.6	

БОШҚОТИРМА

Жавобларни шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиш билан футбол ўйинига бўлган қизиқишингизни синаб кўринг.

1. Биринчи лига чемпионатининг 1994 йилги ғолиби. 2. Энг интизомли жамоа номини олган олий табақа аъзоси. 3. Тошкент вилоятидаги спорт базаси. 4. Таниқли ўзбек футболчиси, Осиё ўйинлари чемпиони. 5. Олий табақа Ўзбекистон биринчилиги аъзоси. 6. 1994 йилнинг энг моҳир футболчиси номини олган ўйинчи. 7. Осиё ўйинларининг энг моҳир дарвозабони. 8. Республика миллий терма жамоасига мураббийлик қилган устоз. 9. Сирдарё вилояти футбол жамоаси. 10. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мураббийси. 11. «Политотдел» жамоаси ҳужумчиси. 12. Тошкентдаги спорт иншооти, 13. Футбол ватани. 14. Осиё ўйинларида биринчи тўпни дарвозага киритган ўзбекистонлик футболчи. 15. Тенг натижа билан тугаган ўйин. 16. Осиё ўйинлари ғолиби, марказий ярим ҳимоячи. 17. Биринчи табақа аъзоси, Фарғона водийси жамоаларидан бири. 18. Мамлакат миллий чемпионатининг ўтган йилги моҳир тўпурари. 19. Олий табақа аъзоси, жамоа. 20. «Пахтакор» жамоасининг марказий ҳимоячиси. 21. Мусобақа ғолибларига бериладиган мукофот. 22. Республикамизда футбол яхши ривожланган шаҳар.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят бўлими ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлигининг Мажлислар залида 1995 йил 12 апрель куни соат 10 да

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Уй-жой қурилиши ер участкалари:
Янгибозор қўрғонидаги 10 та ер участкаси
Ҳар бир ер участкасининг майдони — 600 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 15174 сўм.

Красногорский қўрғони (Чапаев кўчаси)даги 20 та ер участкаси:
Ҳар бир ер участкасининг майдони — 400 кв.м.
Ҳар бир ер участкасининг бошланғич нархи — 9837 сўм.

"Юқори Чирчиқ" жамоа хўжалиги қарамоғидаги қуйидаги иншоотлар:
Жамоа хўжалигининг илгариги маъмурий биноси.
Бошланғич нархи — 150000 сўм.
Жамоа хўжалиги Идора бошқармасининг илгариги биноси
Бошланғич нархи — 100000 сўм.
Болалар боғчасининг илгариги биноси
Бошланғич нархи-75000 сўм.
Жамоа хўжалигининг қурилиши тугалланмаган иссиқхонаси
Бошланғич нархи-226000 сўм.

Аризалар :
-Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси 51, 3-қават, 109-хонада (Тошкент вилоят ҳокимлиги биноси);
-Янгибозор қўрғони, туман ҳокимлигининг хусусийлаштириш бўлимида ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
Тошкент шаҳрида (3712) 33-08-65
Янгибозор қўрғончасида (298) 31-613.

"КИЙИМ" АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

Барча вилоят марказларида ўз филиалларига эга бўлган корхона ҳисобланиб, корхона ва ташкилотларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, чет элда ишлаб чиқарилган импорт моллари ҳамда МДҲ мамлакатларида ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларини нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилиш учун

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Шунингдек, корхонамиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулотларни нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан барча болалар ва тиббиёт муассасаларига

СОТАДИ.

Бундан ташқари, корхонамиз нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан — майда улгуржи савдо тариқасида турли хилда, арзон нархларда хорижий кийим-кечак, трикотаж буюмлари, пайпоқлар, пойафзалларни

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700091.
Тошкент шаҳри,
Ҳамза тумани.
Тол-Ариқ кўчаси, 36.

ТЕЛЕФОН:
98-44-90.

АВТОБУСЛАР:
23. 61. 26. 30. 119. Янги-Обод бекати.

Комплекс тоғ-геология экспедициясининг ёқилғи мойлаш материаллари талонларига 1 чорак учун берилган учбурчак муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши иккинчи котиби Л. П. Юриковага онаси **Вера Ивановна ЗАВОДОВСКАЯнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси институт ходими Гулнора Йўлдошевага падари бузруквори **Наби УМАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Х. НОСИРОВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.40

123456.